

2021 йилда Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази қурилишини Алишер Усмоновга тегишли компания якунлайди



14:05 / 09.01.2021 2748

Россиянинг «USM Holdings Limited» компанияси Тошкентдаги Ислom маданият маркази қурилиш ишларини 2021 йилнинг охиригача тугатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда kun.uz манбаси хабар берди. Лойиҳанинг умумий қиймати 119 миллион долларга тенг. Бу ҳақда 2021-2023- йилларга мўлжалланган инвестиция дастурида [маълум қилинди](#).



Дастурга кўра, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида қурилиши режалаштирилган лойиҳани Россиянинг «USM Holdings Limited» компанияси молиялаштираётганда. Қурилиш ишлари 2019-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланган.

2017 йили президент Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасида бўлиб, мазкур марказ қурилиш лойиҳаси билан [танишганди](#). Давлат раҳбари марказ қурилишига Алишер Усмонов кўмак бераётганини ташриф давомида маълум қилган.



Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваровнинг маълум қилишича, марказнинг маъмурий ва асосий биноларини қуриш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга ҳомийлик қилаётган тадбиркор Алишер Усмонов Ислom цивилизацияси марказига қиймати 8 миллион долларга тенг бўлган 4 минг 923 номдаги нодир китоблар коллекциясини тухфа [қилган](#).